

## “Мустақиллик” МФЙ да Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети тадбири

Муҳтарам юртбошимиз томонидан илгари сурилган давлат идораларининг мамлакатимиз ахолиси билан доимий мулоқатда бўлиши, уларнинг муаммоларига хамдард бўлиш ва муаммоларни бартарфа этишда маҳаллабай ва фуқаробай иш услубларида ишлар олиб бориш, аҳоли мурожаатларини бартараф этишда доим елкадош бўлиш вазифаларидан келиб чиқиб 16-июнь куни ҚҲМ факультети жамоаси Мирзо Улуғбек туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида ёшлар муаммоаси ва ҳар бир ёшнинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётида ўз ўринларини муносиб эгаллашлари бўйича тадбир ташкиллаштирилди.



Шунингдек, маҳалладаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини ҳал этиш бўйича маҳалла фаоллари билан сухбат уюштирилди. “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари ва ёшлари институт раҳбариятидан Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев иштирок этишди. Тадбир давомида маҳалла ахолиси институт тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлиши учун институтда тайёрғанган видеоролик номойиш этилди, институт томонидан маҳалла ёшларига совғалар топширилди. Тадбир якунида институт психологи М.Муҳамедова томонидан маҳалла фуқаролари ва ёшлар ўртасида психолигик семинар тренинг ҳам ўтказилди.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**